



Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

О‘zbekiston adabiyoti va san’ati


1956-yil 4-yanvardan chiqsa boshlagan

ADABIY-BADIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2023-yil 20-yanvar / № 2 (4713)

2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ АСКАРЛАРИ БОТИР ЭЛ

Армиямизнинг куч-кудрати унинг халқимиз билан бирлиги ва ҳамжиҳатлигидар. Шундай маънавий құдрат манбаи бор экан, кеч қандай ёвуз куч Ватанимиз мустақиллигига, тинч ва осуда хаётимизга раҳна сололмайди, бизни демократик ўзгарышлар йўлидан ортга кайтара олмайди. Айниқса, Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги кенг нишонланган кунларда буни ҳар қачонгидан ҳам теран хис этди.



Кувонарлиси, “Армия ва ҳалк – бир тану бир жон!” деган олижаноб гоя ва амалий ҳаракат барча бўғингандаги ҳокимиёт ва бошқару идоралари, махалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини камраб олмокда. Бу эса, Ватан химояси барчамизининг нафакат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланбай бораётганидан далолат.

Буюк саркарда Амир Темур бобомиз бежиз: “Аскарлари ботир эл қудратли бўлур”, демаган. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир аскар, Ватанинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуг лашкар-бошиларимиз ўтгиларини, уларнинг ҳарбий меросини чукур билиши керак. Бу ўлмас ва бебою мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз гурур баҳш этади, мукаддас тупроғимизга садоқат туйгуларини кучайтиради.

Дунё стандартлари даражасида ташкил этилган ҳарбий таълим тизими изчили ривожланмоқда. Янгитдан тузилган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий ҳарбий таълим муассасалари каторидан муносиб жой эгаллади. Бошқарувининг тезкор-стратегик бўғинида хизмат киладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет очилди. Куролли Кучлар академиясида қўшимча таълим инфраструкту-

лари фойдаланишга топширилди. Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўкув маркази ташкил этилмоқда. Ўзбекистон куч тизимлари тасарруфида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг ташкил килингани ҳам шулар жумласидан.

Ҳарбийларимиз профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло колишибмайди. Ҳалкаро ҳарбий ўкув мусобакаларида, армиялар ўргасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўз маҳорати, кучли руҳий тайёргарлиги, галабага бўлган иродасини намоён этилди. Буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон ҳалқида, Айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фаҳраниш туйгусини, Ватан химоячисидек шарафли қасбга бахши таълимни ташкил этилди.

Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юргта мухаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чукур билиш руҳида тарбиялашга фаол киришилган аҳамиятга молик. “Ватанпарвар” ва “Фаҳрийлар” сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудофаа вазирилги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириши ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат кильмоқда.

“Билаги зўр бирни ёнгали, билими зўр мингни” деган макола бор. Юкори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жаёнларига илорг ҳорижий тажрибаларни, педагогик ва абзорот-коммуникация технологияларини қанчалик кенг жорий этсан, Куролли Кучларимиз сафи янада мустаҳкамланади. Бу борада бошлаган ишларимизни – ҳарбий ислоҳотларни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Шахсий тарқиб ўртасида миллий ўзлини англаш ва жанговар руҳини, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириши, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳам доимо эътибормиз марказида бўлиши лозим.

Бугунги ёшларимиз орасида Амир Темур каби ёвқур, шижаотли, Жалолиддин Мангуберди каби кўркмас, ботир, Ватанинг ҳақиқий ўзлони бўлишини дилига тутган йигит-қизлар кўп. Уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳарбий

давлатчилик тархида чукур из ва улкан мерос колдирган. Унинг даврида мўгуллар зулмига бархам берилиб, кучли марказлашган давлат барпо этилган, юрт тархида Иккинчи Ренессанс асослари яратилган.

Маълумки, 2019 йил 28 июня Президент карорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирилари, Давлат ҳафиззилк хизмати ва Миллӣ гвардия таркибида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилган. Жумладан, Давлат ҳафиззилк хизматининг “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи учун пойтактимизнинг Юнусобод туманида янги бино курилган. Айни пайтада ушбу таълим масканида таҳсил олаётган ёшларга етук олимлар, фан докторлари ва номзодлар, ёш тадқиқотчилар, олий тоифали ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 16 октябрь ҳамда 2022 йилнинг 7 январь кунлари мазкур замонавий таълим масканига ташриф буориб, ҳарбий-академик лицейдаги таълим жараёни билан танишиди. Давлат



соҳадаги қадрият ва анъаналарни янада кенг тарғиб этиш мухим ўрин тутади. Шу максадда ўқувчилар ўртасида “Ўзбекистон тархи” фани ва “Темур тузуклари” китоби бўйича синов ўтказиши тартибининг йўлга кўйилгани диккатга сазовордир.

Жаҳон ҳалқлари Амир Темур сиймосида моҳир саркарда, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийсини кўради. Мустакиллик даврида буюк Амир Темур шахсияти, унинг давлатчилик тархида тутган ўрни мамлакатимиз миллий мағфураси асосларини ташкил этаётгани бежиз эмас. Буюк бобомиз давлат арбоби сифатида Ватанимиз

лат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар билан ўтказилган бевосита сухбат, республикамиздаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари билан онлайн мулокотлар жараённи ёшларни ҳар томонлама етук ва билимли, ватанпарвар кадрлар этиб тарбиялаш борасидаги устувор вазифалар белгиланди.

**Самир РАҲМАТУЛЛАЕВ,
“Темурбеклар мактаби”
ҳарбий-академик лицейи директори**

Жаҳолат қадрланимайди, балки унга қарши қурашилади. Илм-маърифат эса, аксинча, мамлакат тараққиётини юксалтириб, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга, инсоннинг қадр-қимматини оширишга хизмат қиласи. Шу боис илм-фани ривожлантириш ҳамиша долзарб аҳамият қасб этган.

КЕЛАЖАККА САРМОЯ



даражасига, аҳоли фаровонлиги га бевосита боғлик. Чет тилларни пухта ўрганиши хорижда ишлаш, мамлақат оширишга интиувчиларнинг кўпайгани бу фикри тасдиклайди. Ривожланган давлатларнинг тили, маданияти, юқсақ тараққиётсириларини ўрганиши қанчалик мухим бўлса, ўзбек тилининг мавқеини кўтариш, таълим сифатини яхшилаш ҳам шунчалик мухим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, мамлакат тараққиёт, жумладан, инсонга эътибор сифати таълим-тарбиядан бошланади. Янги йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишида, назаримда, ана шундай теран ҳаётий мазмун муржассам.



ЕВРОПАЛИК ОЛИМ ЭЪТИРОФИ

19 январь ўзбек ҳалқининг фидойи фарзанди, маърифатпурвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий таваллуд топган кун. Шу муносабат билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузыридаги Қатағон курбонлари хотираси давлат музейи, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси ҳамкорлигига “Махмудхўжа Бехбудий мероси ва жадид матбуотини ўрганишининг долзарб масалалари” мавзусида ҳалқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодон Кудратхўжаев очиб берди. Шунингдек, Қатағон курбонлари хотираси давлат музейи директори, профессор Баҳтиёр Ҳасанов, Туркӣ тили давлатлар журналистлар уюшмаси раиси Мендерес Демир, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, “Ишонч” газетаси бош мухаррири Ҳусан Эрматов Махмудхўжа Бехбудий ва унинг сафдошлари фаолиятини ўрганишдаги мухим вазифалар, анжуманинг илмий-амалий аҳамияти ҳакида гапиришди.

Анжуманда Амстердам минтақавий, трансмиллий ва Европа тадқиқотлари мактаби (АРТЕС) директори Майкл Кемпел “Жадид таълимотининг асосий йўналишлари” мавзусидаги маърузасида, жумладан, “Жадидчилик ҳаракати нафакат Туркистон ёки Кавказ мусулмонлари ўтасида, балки ҳалқаро миқёсдаги ҳаракат хисобланади. Шунинг учун жаҳон миқёссида унга кизикиш, эътибор кучли”, деб таъкидлайди.

Шунингдек, анжуманда, Амстердам университети профессори Шамил Шикхалиев, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Турсунали Кўзиев, Қатағон курбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими Бахром Ирзаев, филология фанлари докторлари Мухтор Худойкулов, Ҳалим Саидов, Антон Антонов, филология фанлари номзодлари Нормурод Авазов, Акбар Нурматов, Нилюфар Намозова Махмудхўжа Бехбудий ва жадид зиёлилари фаолиятига оид янги маълумотлар ва тадқиқотлар хакида гапириши. Жадид маърифатпурварларининг номларини оқлаш, асрарларини чоп этиши бутун кунда ҳам давом этадиган, ҳали тадқиқотчилар олдида килиниши керак бўлган вазифалар кўплиги алоҳида таъкидланди. Бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг сифати ва самараорлигини ошириш, олим ва тадқиқотчиларни миллий матбуотининг етакчи намоиздаси меросини ҳамда жадид матбуотини ўрганишга жалб этиш ва шу йўналишда хорижлик олимлар билан ҳамкорлар алоқаларини ўрнатиши максадида ташкил этилган анжуманда айтилган кизикарли мулоҳазалар, таклифлар иштирокчиларнинг эътиборин торди.

Н.НАМОЗОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси

ЧЎЛПОН

Атокли фольклоршунос олима Музайяна Алавия (1909 – 1988) тарихинги мурakkab давларидан бирида яшади. У шу даврда ўзбек ҳалқининг мунаввар фарзандларидан бири – акаси, шоир Абдулла Алавий таъсирида, ҳали инқилобий ғоялар ва шиорлар кириб келмаган илм-фанинг нёб соҳаларидан бири – ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди дурданаларини ёзб олиш, нашр килиш ва тадқик этишдек кутлуғ бир соҳади ташланди. Ҳали бахшилари репертуаридаги достонларни ёзб олиш иши эндиғина бошланган эди. Лекин шахарма-шахар, қишлоқма-кишлоқ юріб, “тўрт девор” ичада яшаб, ажайиб ҳалқ қўшикларини ижод килаётган истеъоддли ўзбек хотин-қизларининг асарларини ёзб олувчи аёл олималар ҳали дунёга келди. Бу, ҳар қандай кийинчиликни енга оладиган, зарур бўлганда, олис кишлоқларга гоҳ пиёда, гоҳ аравада, гоҳ от миhib боришдан кочмайдиган Музайяна Алавия



**Наим КАРИМОВ,
академик**

►4

Чўлпон ҳақидаги хотира ноёб факт ва маълумотларга бойлиги билан ажralиб туради.

**Наим КАРИМОВ,
академик**

►4

Кутлибека РАХИМБОЕВА



КИШ ЯХШИ

Тераклар ўхшамас озғин ўсмирга,
Букчайган чолларга ўхшамас толлар.
Киши кийим тикидри барига бирдай,
Оқшомда кўнгли гул чеварлар ёллаб.

Кўпроқ кўрганига ишонар кўзинг,
Тегрангда подшолик килар оқ ранглар.
Шу хаёл ховури иситиб кўксинг,
Лабингда чиройли овоз жаранглар.

Кўёш киздирмайди, лекин яркираб,
Ёруғлик сочади, Ёруғлик азиз.
Бошингни деворга турмайсантираб,
Топасан оёғинг сифадиган из.


Кўйчисиз салтанат фариб саналар,
Фариблар сафига кўшилмайди киши.
Муножат айтмаса хамки каргалар,
Хар калай хўкимас, сайдайдиган куш.

Дарёни соғинсант, ётмайсан бўзлаб,
Киргокка чикасан. Карайсан пастга.
Ўзини кўрсатмай хикматлар сўзлаб,
Тип-тиник дарёлар оқади аста.

Киши яхши. Факат бир кичик нуқси бор:
Йўллар муз. Муз ами билан юрасан.
Эркингда юрмакни этсанг ихтиёр,
Куляисан. Манглайнинг ёмон ёрасан.

Яна бир фаслини ўтказдим бошдан,
Кўзим кўзашга тенг, юрагим тўзим.
Бир ховуч нур тиляб она куёшдан,
Тафтталаб жонимни иситдим ўзим.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ



Тупрок йўлни чангитиб
келаётган автобус муюнда
беш ёшлар чамасидаги ок-сарикдан
келган жиккакини жувон тушди.
Аёл ерга оёқ кўйши билан ранги
унликан эски ковушни тупрокка ботди.
Тупрок илккана, майнин тегди
оёғига. Бу орада кўтарилиган чанг се-
кин таркалди. У йўл бўйида ўзига ки-
зиксиниб тикилиб турган кизчанинг
саломига алиқ олиб, каллакланган
турзор оралаб, кишлок сари жилди.
Сал ўтмай сингил шабада димогига
янги ёпилган нон хидини урди.

Пастак уйлар каторидаги янги
окланган уйга етганда аёлнинг юра-
ги алланечук хаприди. Ховлига
согинчил назар ташлади. Четдаги
сомонхонани демас, барча иморат-
лар кайтадан курилган. Аёл сомон-
хона ёнида бир зум тўхтаб, девор-
даги жажжи панжа изларига зехн
солди, маъюс жилмайди.

Сомонхона курилётганда у кич-
кина кизза эди. Акаси иккиси пахса
юзини шапатилиб, панжа изларини
туширишганди. Ха-а, ўшандан бери
качча сувлар оқиб ўтди... Хаёт шу
экан, йиллар бир-бирини кувашиб
ўтавераркан. Энди мана бу сомонхон-
нани курган ота йўк, анча бўлган бандаликни бажо келтирганига. Онаси
нече йилдирки унинида. Аёл акаси-
нига унда-мунда бир келиб туради.

У ўйга чўмган кўйи каттакон
дарвоздадан ховлига кирди. Кенг
ховлида жон асарини кўрмай, сер-
гак тортиди. Кия очиқ дахлиз эшигидан
ичкарига мўралаб, кўрпага ўра-
ниб ётган янгасини кўрди.

СИРИНИ ТОШЛАРГА АЙТДАН ДАРЁЛАР

Менга ўхшамаган менман бу бироз,
Бошқача яшагим келар, ишонинг.
Бу кунлар рамузи озодликка хос,
Бир гуллаган бодом баҳор нишони.

Шукур, орзумтирик – кўйлаги гулгун,
Тушим яхшиликдан килар баҳорат.
Кун кўрмоклик эмас яшамоқ бугун,
Бугун яшамоқлик эрур жасорат.

Бирдан тикка турсам (ўйлаш ҳам хузур),
Толи манглайимни юборса силаб.
Кўринмай, билинмай ётибман хозир,
Дилимда денгиздай туғёнлар билан.

Ўтиб бораёттир баҳорлар, кишилар,
Бошқача яшашга имконим борми?
Умид, кўлларимдан маҳкамроқ ушла,
Умид, жасоратнинг сенсан тенг ярми.

Синиб тушдимикан бўрон арраси,
Майнин тараларми булоқ алласи,
Зарга айланарми кумнинг зарраси,
Чўлларнинг тилида сўйласам

Булбул чаҳ-чаҳидан уйғониб тонглар,
Сабога тўқарми бўйин райхонлар.
Дардин унуптарми дарди бор жонлар,
Гулларнинг тилида сўйласам.

“Йўл йўк” деган жойда бор бўлармиди,
Бирдан иккита ё чор бўлармиди,
Хизри худойимга ёр бўлармиди,
Йўлларнинг тилида сўйласам.

Элга кайтармиди номус, дилсоғлик,
Биздан кетармиди орсизлик, оғрик,
Достонларда келган бели белоғлик –
Улларнинг тилида сўйласам...

Сўзлайвер
Сасингни берганинг сўзлар курдатди,
Бермасанг сукутдир, курук суратди.

Сўзлайвер:
Тупрок чангини кўшиб байрамлар тузгин,
Чаман рангини кўшиб, хайратлар тузгин.

Сўзлайвер:
Ўқ еб, яраланган күшсўлар хаки,
Сибирда музлаган кишисўлар хаки,
Ўтда ёниб кетган кулсўлар учун,
Дорга судраб борган килсўлар учун.

Сўзлайвер:
Инкорми, икроми, армонми, камрон,
Эшитиб тургандай экан-ку даврон.

Сўзлайвер:
Кўз устига кўйиб хар лахза, оинин,
Айтмоқ – бу хаётнинг буюк имкони.

Сўзлайвер:
Синдири моне бўлса сабр олмосин,
Сўзларнинг ичининг ўлиб колмасин!

ҒАНИМ БЎЛОЛМАЙСАН

Ғаним бўлолмайсан сен менга,
Чўғимга шабада хайдама,
Ғанимим сенчалик майдамас.

У олиб-сомтайди пайпоклар.
Камида миллатин сотади,
Камида жигарин бағрига
Пўлат пичок бўлиб ботади.

Янги пайпок учун кувонмайди у.
Камида сур халкнинг зўр халкни
Карам этганини кўриб кувонар.
Киздай дарёлари, киздай боғларин
Ҳаром этганини кўриб кувонар.

Пайпок йиртганига йигламайди у.
Камида бир халкка Тангри тарафдан
Хурлик берилгани учун йиглайди.
Камида бир халкнинг кўксида халклиқ –
Хисси тирилгани учун йиглайди.

Ғаним бўлолмайсан сен менга.
Чўғимга ташлама тараша,
Ғанимим ўзимга яраша!

БОШҚАЧА БИР СЎЗ ИСТАДИМ

Осмонларга бориб келган, эй кушлар,
Сахарлардан юлдуз терган, эй кушлар,
Умрин юқсакларга берган, эй кушлар,
Мен сиздан бошқача бир сўз истадим.

Ча, кигизга тушиб котиб колган
гуруч доналарини кафтига тера
бошлади.

– Ха-а, аста айтасизми! Иби, са-
ватнинг тагида бир товок ош бор.
Кеча килувдим, кўл урилмаган.
Шуни иситиб келай, хайми?

– Акам келсин, бирга ермиз...
– Нима гап? – Янга бирдан ху-

Ёнган дарахтлар-эй, тўнган дарахтлар,
Йилларни ичига кўмган дарахтлар,
Тик турлиб яшашга кўнган дарахтлар,
Мен сиздан бошқача бир сўз истадим.

Тоғларнинг бошидан кайтган дарёлар,
Тошларга бош кўйиб ётган дарёлар,
Сирини тошларга айтган дарёлар,
Мен сиздан бошқача бир сўз истадим.

Теграм сўз бозори – сотдиму олдим,
Қай бири тозадир – билолмай колдим.
Адашиб ҳоридим, адашиб толдим,
Мен энди бошқача бир сўз истадим.

МУҲАББАТСИЗ ЯШАГАН ОДАМ

Сенга кўш гулхона эмас,
Кўкда тўзган узун-қиска тук.
Ёмир тиник дурдона эмас,
Йўтал булат тулфаган тупук.

Шафак шомнинг лоласи эмас,
Аждаҳо тун оғзида чўғ.
Туннинг ошик боласи эмас,
Булбул сахар оч колган маҳлук.

Тоғдан тикка тушган дарёлар
Бошпин ювиб ташлаган суви.
Севиб куйиб колган саҳролар
Ернинг сассиз заҳил кўркуви.

Сенда хуну кўкилар хар дам,
Тирикликнинг гўзал китоби.
Мухаббатсиз яшаган одам,
Сен калбимнинг хунук азоби.

МЕН СЕНИНГ...

Мен сенинг ошигинг эмасман, эйлар.
Ошилик – карликлар,
Ошилик – кўрлик.

Мен сенинг боланг хам эмасман, эйлар,
Фарзандлик – тақдирдир,
Фарзандлик – кисмат.

Мен сенинг дўстингман – чидамас дўстинг,
Кулларнинг кўрсам ўлдиргим келар,
Сўнг йиглагим келар бағримга босиб...

1937, ДЕКАБРЬ

Кўрганларнинг кўзининг келди,
Билганинг сўзининг келди
Ва хур рух билан сасландинг.
Пайкадилар, сўнг кафасландинг.

Индамадик, индамагаймиз.
Кораландинг, яраландинг хам,
Тилкаландинг, пораландинг хам.

Оҳим, нафат келди ўлимга,
“Халос килиш эмас кўлимда”...
Юмшок-юмшок баҳона топиб,
Тошбакадек устга то ёпиб.

Индамадик, индамагаймиз.
Кимга азоб, кимга бўлди кайф.
Гунг тилимиз, лол тилимизни
Узб ташлай десам итларга

Бу кўркок тил итларга-да хайф.
* * *
Ёр, кора кўзларнинг на дилар маннан.

Достондан

Нигохинг бошқача: бир бокиб сездим,
Шу гапни айтмадим чамадан, чендан.
Кувончингни кайси гамтошлар эзди,
Айт, кора кўзларнинг не тилар мендан...

Эртакдаги уч бош аждардай алдов
Олов пуркайдими хар бир дақика.
Кўркяпсанни ўша жони каттиқ ёв,
Тирмашса кул бўлар бори ҳакикат.

Узомки, якиндан бўлдими хабар,
Келдими кишишлар саси кулокка...
Озодлик бошида сездингми хатар,
Шундан тушдинмикан ҳадик, титрокка...

Керуб юбордими канотин кибр,
Сезилиб колдими зўровон, зўрлик...
Ёнингда безовта бўлдими кимдир,
Жонингта тегдими кўрмаслик, кўрлик...

Нигохинг чакинли: бокмайсан ерга,
Чинга караб юрдик чамадан, чендан.
Ишонч уйғондими шоирга, шеърга,
Ёр, кора кўзларнинг не тилар мендан...

га ярайди... Нима? Ўлимлик... Акам
онами пенсиясидан унга ўлимлик
йигаяпти?"

Аёлнинг тани жимирлаб кетди.
Кўз олди бирдан хиралашиб, дас-
турхон, ош, ноң – хаммаси туман
ортida колди. “Ё тавба! Акам онам-
нинг ўлимни ўйлаб, пул йигаяпти!

Мен негадир бу ҳақда хеч ўйламабман. Ҳудди онам ҳеч қачон
ўйламайдандай... Мабодо, ўлсам,
нахотки, унинг ўлимига пул то-
полмасам?! Акам шундай дедими?
Нахотки, шунчалик... Эх, нимагаям
келдим бу ерга!"

– Ха, на бунча ковогинг осилиб
кетди? – деди ака. – Сен хам, онам
хам эртада ўйламаяпсалар! Тўй
нима, ўтади-кетади ўйин-кулг би-
лан. Мана, ўн беш йилдирки, онам
сененида иштади.

– Кетарсан, жияннинг келса, ма-
шинасида олиб бориб кўзди, – деди
ака бошини эгиг, кафтидаги гу-
руч доналарини сўриб, тили билан
ялаб-юлқаркан. – Тагин қачон кела-
сан...

– Акангиз шу, бозор кунлариям
бундай оёқ чўзмайдилар, – деда гап-
га араплашиди янга.

– Ол, ошдан ол! – деди ака пи-
ёладаги чойдан хўллаб. – Энди сен
ҳеч чўчимай тўйни бошлайвер. Ўзи
хамма нарсанг етарлими?

– Аёл ҳудди шу гапни кутиб тур-
гандай ялт этиб акасига, сўнгра
янгасига каради. Ботинмайроқ гап
бошлади.

– Кечи

1968 йил. Қиши нюхоятда каттик келди. Мен саккиз яшар бола эдим. Катта кор ёғиб, мактаблар бекилган. Ўша йили шу қадар қийналдикки, эсласам хўрлигим келади.

Тоғишилоғида сентябрь-октябрь ойлари йигим-терим мавсуми бўлиб, қишига жиддий тайёргарлик кўрилади. Агар фурсатни кўлдан бой берсангиз, холингизгавой. Қишилоғимиздан уч чакирим узоқдаги боғимизда йигим-терим ҳали нюхоясига етмаган эди. Биз у ерда қишига чайла тикиб ўтирадик. Айни йигим-терим пайти отам касал бўлиб қолди. Касаллик хуружи борган сари кучаярди. Охири тўшакка михланиб қолди. У пайтлари қишилоқда врач каёда, дейиз? Қишилоғимизда биттагина ҳамшира бор, холос. У отамга додри-дармон берди-да, туман касалхонасига олиб бориш керак, деди. Тузалиб кетаман деб, дадам кўнмадилар.

Боғимизда бир неча одам кучогига сигмайдиган катор бобомерос ёнгок даражатларимиз бор эди. Уларнинг ҳосилини ҳали кокиб ултurmагандик. Рўзгор тебриши учун ундан башка даромадимиз йўқ, хисоби! Октябрь ойи охирлаб колганди. Чўйга қараганда тоғда совук эртарок бошланади.

Онам кўшнимизнинг ўғлига илтинос кила-қила, ёнғомизни коктириди. Йигиб-терган ҳосилини қишилоқдаги омборга жойлаштириш учун онам бир амаллаб эшакларга ортиб берадилар. Мен укам билан уни қишилоқка ёлдик. Онам оғир юнки уловга ортишга жуда кийналарди, биз болалар улдасидан чиқолмаймиз. Шунда оиласда отанинг ўрни накадар улуғлигини ич-ичимдан хис этдим. Кани энди улгайиб колсалам, шу ишларни бирпастда дўндирип ташласам, деб кўзим ўшга тўлди.

Минг машаккатлар билан укам иккимиз ҳосилини қишилоқдаги уйимизга жойладик. Бирок, энг ачинарли томони, қишига ўтиш йўқ. Қишида печкага ўтигин ёқилади. Тоғда қаттик совук бўлгани учун ўтиинни кўпроқ фамламаса, совукка чидаш кийин. Ўтган асрнинг 70-йиллари электр нималигини билмасдин. Лампа чироқда укаларим билан дарс киламиз. Кўндуз кунлари эса, мол-холга карашдан кўлимиз бўшамайди.

Ўша пайтдаги "Бойсун" совхозининг тоғишилоғида ўн битта қишилоқ бўлса, кузда қиши ичи баҳоргача етадиган егулик ортиги билан фамлаб кўйиларди. Чунки кишида туман марказига боришининг иложи бўлмасди. Йўл ёмон. Рўзгор учун зарур маҳсулотлар олиб кўйилиши шарт. Қишилоғимизда биттагина ночор дўкон бўларди. Унга кузги ёмтиялар мавсуми бошланмай керакли маҳсулотлар туман марказидан кўлтириларди.

Қиши оғир келган 1968 йили Арчамон зорда кор босиб, йўллар кеч куздаёт беъзарди. Дўконга керакли зарур маҳсулотларни ташиб кўлтиришади. Бирок начора, Аллоҳдан ўзга маддкор йўқ.

Онам шифокор тавсиясига кўра му-

олажани давом эттириди. Биз отанинг тузалишини жуда-жуда истадик. Бегубор қалбларимиз, митти юракчаларимиз билан Аллоҳдан шифо сўраб илтижо килалими. Онамнинг муолажалари кор килдими ёки бошками, отам аста-секин соғайди.

Шундай килиб даҳшатли кунлар ортда қолди. Кимнинг дўст, кимнинг душманлиги шундай пайтда билинار экан. Онламиз кийинчиликка дуч келганда ёрдам кўлини чўзганлар бўлди. Бирок зарур пайтда ўзини олиб кочганлар ҳам топилди. Шунда отам "Болаларим, хафа бўлманг, бандасига дардини берувчи ҳам, олувчи ҳам Аллоҳдир. Мана, согайиб кетдим. Энди оғир кунлар ортда колди", дедилар. Биз мана шундай руҳий, маънавий азоблар туфайли анча улғайиб қолгандик.

Ойлар ўтди, ётишмовчиликлар барҳам топди. Отамга ишхонасидан машини бе-

ришиди. Моддий томонимиз яхшиланди. Отам ўрмон хўжалигига ишларди. Аммо отаминг вертолётда олиб кетмаган шифокорни унтиши кийин кечди.

Орадан йиллар ўтди. Биз анча улгайдик. Олий маълумотли бўлдик. Такдир такозоси билан бояги шифокор қишилоғимиздаги амбулаторияга ишга келди. Тоғлик жой бўлгани учун унга "Узик" машинаси берилган эди. Машинин Ориф укам хайдайдиган бўлди. Энди у киши уйимизда тез-тез меҳмон бўлиб турарди. Дадам уни уйимиз тўрига ўтказиб, иззат-хурматини ўрнига кўярди. Биз эса, бундан жахлимиз чикарди. Отам: "Э болам, кўйинглар, инсон бағрикен, кечиримли бўлиши лозим. Уйимизга кўшини қишилоқдан келиб турардиган ногирон қиши бор-ку, ўша акамнинг ўлимига сабаби бўлган. Уни ҳам кечирганман", деди. Биз бундай бағрикенликдан, юрагида шунча алам бўлса-да, отам бизларга билдирий ичга ютиб юрганига хайрон бўлдик. Бу матонат, сабр-бардош каердан экан?!.

Шифокор кўп йиллар қишилоғимиздаги амбулаторияда ишлади. Отам уни ҳар кўрганида ўша воқеа эсига тушарди. Аммо шундай бўлса-да, ундан ширин сўзини аямасди.

Отам Иккинчи жаҳон урушидан олган жароҳатлари туфайли 1993 иили етмиш ёнда вафот этидилар.

Якинда қалин кор ёғиб кунлар бирданга сойв бошлаганди газ, электр муммоси пайдо бўлди. Нафакат олиб қишилоқларда, ҳатто пойтахтда ҳам ўйлар исимади. Шунда ёшлик хотираларим ёдимга тушди.

Орадан канча йиллар, канча сувлар оқиб ўтди. Қишилоғимиздаги отам тенгиларнинг аксариати дунёдан ўтиб кетишиди. Бирок синган кўзани ямаб бўлмагандик, юракнинг жароҳатини ҳам унтиш кийин экан. Отам ҳар доим: "Одам ҳом сут эмган банда, ҳатто килади. Уни кечириш керак", деб айтади. Шу боис Аллоҳ берган киска умрда одамлар бир-бирига яхшилик килиши лозим экан. Эзгулик, яхши амалларига қолар экан. Нима бўлгандана ҳам ҳар инсонга Аллоҳнинг ўзи сабр-тоқат ато этсин.

Иззат АҲМЕДОВ

Гул кўп, чаман кўп

ЖАН ЛАФОНТЕН ИЖОДХОНАСИДА

Бир куни француз масалчиси Жан ЛаФонтен ижодхонасида кўзиг ўшга тўлиб ўтирганда хотини кириб келади. У хотинин кўриб хўнграб юборади. Хотини бунинг сабабини сўраганди. ЛаФонтен жавоб ўрнида янги ёзабётган кисасидан бир парча ўқиб берди. Парчада асар қаҳрамони ўз севгилисига ўйланиши учун биргина тўсиқдан ўтолмай азоб чекаётгани тасвириланган эди.

ЛаФонтеннинг хотини ҳам йиглайди ва эрига ялиниб ёлворади:

— Уни севгилиси висолига етказа кол, утинаман.

— Бундай килолмайман! — жавоб беради ЛаФонтен. — Энди гина биринчи бобини ёзиши бошладим...

М.Дориф МЕВАЛАРИ

Тулода Толстой ўз оила аъзолари учун ёзган "Маориф мевалари" пъесасини саҳналаштиришга қарор килишиди. Муаллиф спектаклга фахрий меҳмон сифатида таклиф этилади. У театрга келганида эшикдан киритишмайди. Лев Толстой одатдагидек, оддий қишилоқча кийимда келган эди. Эшикога унга "йўлингдан колма", дейди.

Толстой у билан баҳслашмайди, якин орадаги ўриндикка ўтириб кута бошлайди. Тез орада томошага келган шу ерлик амалдорлардан бирни Толстойнинг ташқарида ёлғиз ўтирганини кўриб ажабланади ва бунинг сабабини сўрайди.

Толстой жавоб беради: "Ўтирибман". Сўнгра жилмайиб тушунтиради: "Ўзимнинг пъесасини кўрмокчи эдим, киритип мадди".

Ташкилотчilar эшик олдида турган коровулни кувиб солишганини тасаввур килиш мумкин.

99 фрлнк

Фредерик Бегбедернинг "99 франк" номли китоби 2000 йили нашр этилган ва Францияда шу нархда сотига тавсия килинган. Кизиги шундаки, бошка давлатларда мазкур китоб бошқа номларда, яни валюта курсига мувофиқ ўзgartириб чиқарилган. Масалан, Буюк Британияда "99,99 фунт" ёки Японияда "999 иен" ва ҳоказо.

Ноўрин ҲАЗИЛ

Борис Пастернак билан Марина Цветаева якин дўст бўлишган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Пастернак эвакуация килинётган дўстига кўмаклашганда Цветаева юклар махкам боғланган арқонни ториб кўриб, "бундан дор ясаса ҳам бўлар экан", деб хазиллашади. Охир-оқибат, шоира Елабугада шу арқон билан ўзини осади.

«С» Ҳарфисиз

Француз ёзувчиси Жорж Пере "La disparition" романини биронта ҳам "с" ҳарфи ишлатмай ўзган. Гап шундаки, бу ҳарф француз тилидаги сўзларда энг кўп ишлатиладиган белги хисобланади.

Таржимонларнинг эса, боши котади: мазкур асарни "с" ҳарфисиз кандай таржима килиш мумкин.

Кларка Ҷасијти

Франц Кафка ҳаётлигига атиги бир неча асарини ўзлон килдирган. Ўлим олдида колган барча асарларини ёкиб юборишни дўсти Макс Бродга васият килиди. Бирок Макс дўстининг айтганини амалга оширмайди, аксинча, уларни босмахонага топширади. Натижада Кафка ўлимидан сўнг бутун дунёга танилади.

КАҲРАТОН ҚИШ ХОТИРАСИ

Тоғликларнинг аксарият кисми қишилоқ озик-овқат захирасисиз қолди. Улова туман марказига иложи бўлмагандан яёв боргандар туман раҳбаридан ёрдам сўраб келишиди. Тез орада вертолётда зарур озик-овқатлар олиб келишиди. Ёнимиздаги Қизилотчи қишилоғида Работато кадамжои бор эди. Вертолёт шу жойга келиб кўнди. Биз мактаб болаларни тўт-тўп бўлиб томошага бордик. Дарвоке, ўшанда мактабимизда бор-йўғи юздан зиёд ўкуви таълим оларди.

Онам кўшниларга отам касал ётганни кайта-кайта айтганидан сўнг бир ҳалта ун беришиди. Укам билан эшакка ортиб, бир амаллаб уйга келтирдик. Кексалар қишилоқда оғир касаллар, шу жумладан, улар орасида отам ҳам борлигини айтишади. Иккинчи марта вертолётда юк олиб кайтишганда бир шифокор ҳам бирга келди.

Шундай килиб даҳшатли кунлар ортда қолди. Кимнинг дўст, кимнинг душманлиги шундай пайтда билинар экан. Онламиз кийинчиликка дуч келганда ёрдам кўлини чўзганлар бўлди. Бирок зарур пайтда ўзини олиб кочганлар ҳам топилди. Шунда отам "Болаларим, хафа бўлманг, бандасига дардини берувчи ҳам, олувчи ҳам Аллоҳдир. Мана, согайиб кетдим. Энди оғир кунлар ортда колди", дедилар. Биз мана шундай руҳий, маънавий азоблар туфайли анча улғайиб қолгандик.

Ойлар ўтди, ётишмовчиликлар барҳам топди. Отамга ишхонасидан машини бе-



— Мазкур кўргазмадан максад меҳнат ва матонат гўзаллигини таранум этишиди. Ушбу лойиха устида ишлапшини 2015 йилда бошлагандик. Дастваб, шахсий

кўргазмамга тайёргарлик жараённида тошустидаги ишларга бағишиланган туркум асарлар яратдиган. Яни, ҳар тошни арралаш, силиклиш ва жилолаш каби ишлар хакида. Оғир иш шаронлари ва қаҳрамонларнинг файриоддий гўзаллиги менинг ўзига ромади.

Дарҳакиқат, рассом олдига қўйган вазифани альбо дараҷада уddaлаган. Унинг асарлари томошабинларни ўзига чорлайди, фикр-мулоҳаза юритишига ундайди.

Сарвара ҚОСИМОВА

— Охирги марта қачон ўқидингиз?

— Дори йўрикномасини ўқидим. Майда гап кўп, қизиқ жойлари ўқ эмас. Сюжетсиз деса ҳам бўлди, аммо якуннинг икки-уч вариантида берилиши таъсирили чиккан.

— Кўлингдаги нима?

— Электрон китоб.

— Нима, китоб ўқишини бас қилмоқчимисан?!

Михайл Булгаковнинг асл касби шифокор бўлган, аммо ёзувчи сифатида шуҳрат козонган. Мана, шифокорлар тушунарли, чиройли ёзса, албатта, бирон натижага эришар экан-да.

КИТОБ ҚАНДАЙ НОМЛАНАДИ?

Детектив роман муаллифи ўзининг қаҳрамонлари сингари, адабиётда ҳеч қандай изомлариди.

* * *

Китоб дўконига кирган ҳаридор сотовчидан сўради:

— Яхши детективлардан тавсия кила оласизми?

— Мана бу сиз излаган китоб: детектив, бир нафасда ўқилаши, энг му